

9-10-2019

THE CONCEPT OF RESPONSIBILITY IN THE MORAL AND PHILOSOPHICAL VIEWS OF WESTERN PHILOSOPHERS.

H. G. Kipchakov

PhD student of Uzbek National University.

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Kipchakov, H. G. (2019) "THE CONCEPT OF RESPONSIBILITY IN THE MORAL AND PHILOSOPHICAL VIEWS OF WESTERN PHILOSOPHERS.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 7 , Article 23.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss7/23>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE CONCEPT OF RESPONSIBILITY IN THE MORAL AND PHILOSOPHICAL VIEWS OF WESTERN PHILOSOPHERS.

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ҒАРБ ФАЙЛАСУФЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ.

ЎзМУ таянч докторанти Қипчоқов Ҳамиджон.Ғуломович.

Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий жавобгарликнинг мазмуни ва инсонлар тафаккурида шаклланиб бориши ва турли ғарб файласуфларини фикр мулоҳазалари таҳлил қилиб ўтилган бўлиб ижтимоий жавобгарликнинг ҳозирги даврдаги ривожланаётган давлатимиз учун ҳам инсонлардаги жавобгарлик туйғусини ахамиятини очиқ беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: жавобгарлик, ижтимоий жавобгарлик, ахлоқий жавобгарлик, диний жавобгарлик, қаттият, бурч, мажбурият, виждон.

КОНЦЕПЦИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В МОРАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИХ ВОЗЗРЕНИЯХ ЗАПАДНЫХ ФИЛОСОФОВ.

Кипчаков Ҳамиджон Ғуломович

базовый докторант Узбекского национального университета.

Аннотация: В этой статье рассматривается природа социальной ответственности и ее развитие на человеческой мысли, анализируются взгляды разных западных философов, она пытается выявить важность чувства ответственности для людей в нашем современном состоянии.

Ключевые слова: ответственность, социальная ответственность, моральный ответственность, религиозный ответственность, солидарность, долг, приверженность, совесть.

THE CONCEPT OF RESPONSIBILITY IN THE MORAL AND PHILOSOPHICAL VIEWS OF WESTERN PHILOSOPHERS.

H.G.Kipchakov PhD student of Uzbek National University.

Abstract: In this article is considered the nature of social responsibility and its developing on the human thought and it has been analyzed the views of various western philosophers, it has been trying to reveal the importance of the sense of responsibility for people in our present-day state.

Key words: responsibility, social responsibility, moral responsibility, religious responsibility, solidarity, duty, commitment, conscience.

Ҳозирги замон илм фани инсоният интеллектуал салоҳияти ривожланиши билан бирга атроф-муҳитга кучли таъсир қилувчи техника воситаларига эга бўлганлиги билан ҳарактерлидир. Бугунги кунда инсон ва табиат коэволюциясида жавобгарлик масаласи ҳозирги замон ахлоқшуносликнинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари жамият ҳаётининг иқтисодий-маънавий илдишларидан келиб чиқаётганлигини аксарият дунё ҳамжамияти олимлари бирламчи ўринга қўйишмоқда. Зеро, иқтисодий-маънавий фаолият атроф муҳитга, об-ҳавога, моддий ва маънавий бойликларни сақланишига бевосита

ёки билвосита таъсир қилади. Иқтисодий-сиёсий сабабларга кўра жойлардаги ҳарбий ҳаракатлар ёки турли ҳудудлардаги иқтисодий ривожланишини тўғри режалаштирилмаганлиги сабабли очлик ва қамбағаллик вужудга келади. Бунинг яна бир сабаби инсонларнинг ўз вазифасидан келиб чиқиб юклатиладиган бурчига бепарволикдир. Шундай қилиб, глобал муаммоларни ечимини топишнинг энг муҳим йўли инсонлар ўз ҳаракатлари натижаси учун жавобгарлик туйғусини шаклантиришдир. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир ташкилот инсонлар олдида муаммоларни ечимини топишга бевосита масъуддир. Қадим даврлардан то ҳозирги кунгача ҳар бир шахснинг ўзига хос жавобгарлик концепцияси шаклланиб келган. Бу концепцияга биноан ҳар бир инсон фаолиятдан нафақат ўз манфаати билан бирга давлат ва жамият манфаатларига, балки атроф-муҳитга фойдаси тегиши кераклигини хис этиши зарур. Инсонлар маълум бир касб билан шуғулланиши давлат ва жамият олдида хизмат қилишини юзага келтиради. Бу ўз навбатида жамият ҳаётида давлат хизматчиси мақоми пайдо бўлишига олиб келди.

Давлат хизматчиси ижтимоий-ахлоқий жавобгарлик ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиши керак. Ижтимоий жавобгарлик ҳақидаги ғояларни атрофлича таҳлил қилиш учун уни асосини кўриб чиқиш керак.

Жавобгарлик тушунчаси мураккаб ва кўп маъноли ахлоқийлик ва ҳуқуқийлик мазмунига эга бўлган муҳим тушунчадир. Одатда у қўллаб-қувватлаш, виждон, мажбурият, ишончлилик, жавоб бериш, муҳимлик, жиддийлик каби маъноларини билдиради [1].

Замонавий изоҳли луғатларда жавобгарликни куйидагича тушунтириб ўтилган;

- талабнинг юқори даражасига ҳаракатни мутаносиблиги;
- бутунликни (ягоналикни) сақлаш нуқтаи назардан муҳимлиги;
- ҳаракатларни тўғрилиги нуқтаи назардан муҳимлиги;
- ўз ҳаракатларига жавоб бериш мажбурияти;
- шахсни ўз хулқига юқори даражадаги ижтимоий талаблар;
- шахсни нотўғри ҳаракатлари жамият учун хавфлиги;
- ижтимоий талабларга шахс хулқини муносиблиги;
- шахсни ижтимоий-ахлоқий назоратга бўйсинишидир [2].

В.И.Дал “жавобгарлик” сўзини “жавоб бериш” сўзидан олинган деб ҳисоблайди. “Яъни инсонларни бирор ходисанинг натижасига ёки ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатига жавоб бериш” [3]. С.И.Ожегов эса “жавобгарлик”ни “ўз вазифасига қатъий жавоб бериш, маданият билан ёндашиш” [4] маъносини англатишини айтиб ўтди. Т.Ф.Ефримовнинг “Рус тилининг янгича луғати”да “жавобгарлик-кимгадир юкланган масъулият ёки ўз ҳаракатларига кимдир тамонидан берилган масъулият” [5]-деб ҳисоблайди.

Жавобгарлик-субъектни кимгадир ҳукмронлиги (кимдир у учун жавоб бериши) ва бир вақтнинг ўзида кимгадир бўйсиниш (кимгадир ҳисоб бериш) ифодасидир. Жавобгарлик сўзи кўп ҳолларда “юкламоқ”, “олмоқ”, “қабул қилмоқ”, “ўз зиммасига олмоқ” феъллари билан ишлатилади, бунда ҳар бири жавобгарликни турли аспектларини ифодалайди. Бундан ташқари жавобгарлик тушунчаси бурч,

ирода эркинлиги, айбдорлик тушунчалари билан биргаликда ишлатилади. Умумий маънода жавобгар бўлиш бирор нарса ёки ходиса учун жавоб беришдир. “Жавобгарлик” тушунчаси ахлоқ ва ҳуқуқий нормаларда уйғунлашиб кетади. Яъни ахлоқшуносликда ҳам ҳуқуқшуносликда ҳам жавобгарлик айбдорликнинг натижасида юзага келади ва инсонларда салбий хис туйғуларни уйғотади.

Жавобгарлик тушунчаси ғарбий европа ва осие давлатларида қадимдан (Авесто, Конфуций, Арасту ва бошқаларда кўриш мумкин) мавжуд бўлиб ундан махаллий ахоли кенг фойдаланган. “Жавобгарлик” тушунчаси шарқий европа (яъни Россия ва бошқа давлатлар)га XIX-XX асрларда кириб келган. Жавобгарлик тушунчаси турли даврларда турли кўринишларда намоён бўлган. Бу тушунчани XX асрнинг 20-йилларидан кейинроқ юристлар тамонидан кўчма маънода (яъни аниқ чегарага эга бўлмаган) ишлатила бошлади [6]. Жавобгарлик тушунчаси терминологик ифодаси жуда кеч пайдо бўлди. Шунини айтиш мумкин-ки, ҳозир ҳам фалсафада бу тушунчани аниқ бир конвенционалиги йўқ ва шу сабаб турли ахлоқий-фалсафий оқим вакиллари талқинида турлича изоҳланади.

Ахлоқий жавобгарлик шахсни ахлоқий талабларини бажариш нуқтаи назаридан ахлоқий категория дея олишимиз мумкин [7]. Бу нуқтаи назардан жавобгарликни кўриб чиқишда қуйидаги саволларга жавоб бериш керак бўлади:

-жамиятнинг ахлоқий талаблари ҳозирги шароитда қай даражада бажарилиши мумкин;

-жамиятнинг ахлоқий талаблари инсонлар тарафидан қай даражада тўғри тушунилмақда;

-инсонлар ўз ҳатти-ҳаракатлари ва унинг оқибатларига қандай ва қай даражада жавоб бериши керак.

Жамият тамонидан шахслардан талаб қилинаётган ахлоқий талаблар шахснинг ахлоқий бурчи ҳисобланади. Инсонларнинг реал фаолияти ўз бурчига ё мос келади ёки мос келмайди. Ўз бурчини инсонлар тамонидан қай даражада бажарилиши инсонларнинг жавобгарлик даражасини белгилаб беради. Ўз бурчини бажармаслик ахлоқий айбдорлик ҳисобланади. Шундай қилиб, ахлоқий жавобгарлик шахсни ўз бурчига, ахлоқий нормаларга мутаносиб ҳатти-ҳаракатларини амалга ошириш ҳисобланади. А.В.Прокофьев ҳам жавобгарликни аниқлашда шунга ўхшаш фикр юритади. “Бирор нарса учун жавобгар бўлиш дунёда маълум бир вазият менинг ахлоқий танловимга ва ундан кейинги ҳаракатларимга боғлиқ деб ҳисоблаганда юзага чиқади” [8]-деган фикрни билдириб ўтган.

А.В.Шесткович ҳам жавобгарликни “шахс ва жамият ўртасидаги мулоқотдан келтириб чиқаради: инсонларнинг ахлоқий жавобгарлиги унга жамият кўяётган талабларга унинг ахлоқий фаолиятини мутоносиблигидадир” [9]-деб ҳисоблайди.

А.Л.Скрипник жавобгарлик масаласида: “Жавобгарлик-бу бирор кимсага юклатилган вазифа, шу вазифа юзасидан келиб чиқиб бажарадиган ҳаракатлари ва ундан кўзланган натижага эришиш мажбуриятидир” [10]. Ҳар қандай ахлоқий категорияни яхши тушуниш учун уни турли-туманлиги ва кўп маънолиги ҳақидаги фикрларни кўриб чиқиш керак. Жавобгарлик ўз ахлоқий потенциалини тузилиши ва турларини таҳлил қилганда кўпроқ намоён этади. Жавобгарликнинг структураси муносабатлар системаси сифатида учта элемент билан белгиланади. А-жавобгарлик

субъекти билан, Б-жавобгарлик объекти билан, В-у жавоб берадиган инстанция билан белгиланади.

Жавобгарлик субъекти ўз ҳаракатлари учун жавоб берувчи конкрет бир шахсдир. Жавобгарлик субъекти сифатида кейинчалик бутун бир жамоа, ташкилот, ҳатто бутун инсоният ҳам киритилиши мумкин. Жавобгарлик объекти эса бу субъект жавоб берувчи ҳамма нарса бўлиши мумкин, яъни ҳатти-ҳаракатлар, унинг натижалари, хавфсизлиги ва бошқа омиллар. Инстанция сифатида жамиятни, давлатни ҳамда давлат ва нодавлат идораларини ҳисоблашимиз мумкин. Субъект ҳудудий инсон бўлса Худо, виждон, итоаткорлик ва бошқалар инстанцион назорат қилиш функциясини бажаради, жазо нормасини белгилайди.

Жавобгарлик муносабатлари тараққиётини куйидаги босқичларда ифодалашимиз мумкин:

-инсонларга қандайдир инстанция (идора) томонидан амалга ошираётган ҳаракатлари учун жавобгарлик юклатилади. Бинобарин, жавобгарлик ишнинг табиий ҳолати билан аниқланади. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам инсонга жавобгарлик юклатилган бўлса, бу уни тушуниб етганини билдирмайди. Чунки у бу жараёнларни тушуниб етганда жавобгарликни ўз зиммасига олмас эди.

Инсон ўзини зиммасидаги жавобгарликни тушуниб етиши шарт. Ижтимоий тараққиёт даврида инсонлар ота-она, бошлиқ, хизматчи ва бошқа мажбуриятлар учун жавобгарлиги ҳақида умумий тушунчаларга эга бўлиб боради. Жавобгарликни тўла тушиниб етиши учун аксарият ҳолларда жамият томонидан таъсир кўрсатилиши талаб этилади:

биринчидан, инсон ўзига ким ёки нима учун жавобгарликни олади ва бу жавобгарликни тўла тушуниб етишида когнитив элементлар жуда муҳим роль ўйнайди. Бу компонентга жавобгарлик қабул қилинганда ўз бурчини тўғри бажараётганлиги ҳақида ишонч туйғуси қўшилади;

иккинчидан, инсон жавобгар сифатида ҳаракат қилади. Бу этапда инсон билиш ва ишончдан амалий ҳаракатларга ўтади;

учинчидан, у ўз қилмишлари сабаблари ва натижалари учун жавобгарлигини ҳис қилади. Ўз ҳаракатлари натижалари учун тўғри ва тўла жавоб бера олса, бу унинг хизмати (вазифасини тўлиқ бажарганлиги) бўлади, тўлиқ жавоб бера олмаса - бу унинг айби бўлишини тушуниб етади. Бу айби учун назорат инстанциялари томонидан унга турлича жазо чораларини қўлланилишини англайди.

Жавобгарликни маълум турларини ажратиш мумкин: жавобгар субъектни кимлигига қараб, унинг ахлоқий жавобгарлиги ҳақида гапириш мумкин бўлади, масалан олимни жавобгарлиги, ўқитувчи, тадбиркор, юрист, шифокор жавобгарлиги. Буларнинг барчаси ўз касбидан келиб чиқиб ахлоқий жавобгарликни ўз зиммасига олади. Ҳуқуқий жавобгарлик эса бундан биров бошқачароқ кўринишда намоён бўлади.

Ахлоқий ва ҳуқуқий жавобгарлик бир-биридан анча фарқ қилади. Ҳуқуқий жавобгарлик инсонларни ўз ҳуқуқ ва эркинликларини чегарасидан чиқиши натижасида, яъни бошқалар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишида келиб чиқади. Бажарган ҳаракатларига қараб жиноий, маъмурий, фуқаролик ва бошқа турдаги жавобгарликларни юзага

келтириб чиқаради. Айбдорлик даражасини суд томонидан аниқланади ва тегишли тартибдаги жазо белгиланади.

Ахлоқий жавобгарлик эса асосан инсонларни тўғри тарбиялашга, маънавий қарашларини ривожлантиришга урғу беради, унинг бурчини бажармаслигига бериладиган жазо одатда унга танбеҳ бериш, хатосини кўрсатиш, уялтириш, виждон азоби ва бошқа кўринишларда намоён бўлади.

Ахлоқий жавобгарликни сабабий ва носабабий жавобгарликка бўлиб олишимиз ҳамда уларни фарқлаб олишимиз керак. Сабабий жавобгарликда “етказилган зиён” тушунчаси асосий ўринда туради. Масалан бирор бир инсоннинг мулкига эҳтиётсизлик орқасидан зарар етказсангиз уни қоплаш учун маълум бир миқдорда маблағ бериш керак бўлади. Носабабий жавобгарлик эса нисбатан кенгроқ ҳисобланади. Масалан носабабий жавобгарликда сиз сабабчи бўлмасангиз ҳам қийинчиликка учраган инсонларга ёрдам беришингиз керак бўлади. Шундан келиб чиқиб ахлоқий жавобгарлик ҳар доим ҳам аниқ бир сабаб натижасида юзага келавермайди. Бошқа бир тамондан сабабий жавобгарлик ҳар доим ҳам ахлоқий жавобгарлик ўлчовлирига тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Инсон баъзи ҳолларда стресс ҳолатида ёки ўзини билмаган ҳолатда бирор салбий хатти-ҳаракатларни содир этиши мумкин. Бу ҳолатларда (маст қилувчи нарсаларни истемол қилганлар бундан мустасно) инсонлар ўз қилмишлари учун жавобгар эмас.

Ахлоқий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликдан фарқ қилиб булар позитив ёки негатив бўлиши мумкин. Позитив жавобгарлик субъект ўз мажбуриятларини тўла ва тўғри адо этишидан келиб чиқади ва бу унинг ютуғидир. Негатив ҳаракатлари учун жавобгарлик эса унинг айби ҳисобланиб, унга албатта негатив жавоб берилади.

Г.Йонас жавобгарликни иккига табиий ва келишилган жавобгарликка бўлиб кўрсатади. Биринчиси унинг статуси билан боғлиқ бўлади, иккинчиси келишув билан боғлиқ бўлиб унинг мажбурияти деб ҳисоблайди [11].

Р,Г,Апресян ҳам жавобгарликни икки турга бўлишни таклиф қилади, уларни шартли равишда ички ва ташқи жавобгарлик деб белгилаш кераклигини айтиб ўтади.

-корпаратив ишга боғлиқ бўлган жавобгарликни юкланиши, яъни бу дегани ҳаракатлар натижаси учун ҳисоб бериш билан боғлиқ

-шахсни ўз зиммасига олаётган шахсий ва универсал бурч мажбуриятининг жавобгарлиги [12]. Бундай бўлиниш ахлоқий санкцияларга асосланган бўлади. Ахлоқий санкция сифатида жамият норозилиги, инсон виждони ҳисобланишини таъкидлаб ўтиш мумкин. Биз жавобгарликни ички ва ташқи жавобгарликка бўлиб олишимиз учун ахлоқий мажбуриятни келтириб чиқарган жараёнларига қарашимиз керак бўлади. Мажбурият юзага гетераном ва автоном ҳолатоарда номоён бўлади. Баъзи психологлар назорат характери инсонларнинг психотиپига боғлиқ деб ҳисоблашади. Чунки инсонлар характери шаклланиши давомида унинг иродаси, виждони, қаттиятлиги ва шунга ўхшаш турли кўринишлардаги туйғулари ҳам вужудга келади. Бу туйғуларнинг аксарият қисми бизнинг миллат учун муҳим институт ҳисобланган оилада шакллантирилади. Бу туйғулар шу миллатнинг келажагининг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

References:

1. Gorbachevich K.S. Slovar sinonimov. -M.: 2009. S. 208.
2. Baranov A.A. Slovar tezaurus sovrremennoy ruskiy idiomatiki M. 2007. S.356.
3. *Dal V. I.* Tolkoviyy slovar jivogo veliko russkogo yazika. V 4-x t. T. 2. M., 1995. S. 45.
4. *Ojegov S.I.* Slovar russkogo yazyka. M., 1986. S. 579.
5. *Efremova T. F.* Noviy slovar russkogo yazika: Tolkovo-slovoobrazovatelniy: V 2 t. T. I: A-O. M., 2000- S 1002
6. Xoxlov V. A. O grajdansko-pravovoy otvetstvennosti //Pravovedenie. № 1. 1997. S. 96.
Slovar po etike. M. 1981. S. 229
7. *Prokofev A.V.* Spravedlivost i otvetstvennost: sotsialno-eticheskie problemi v filosofii morali. Tula, 2006. S. 111.
8. *SHestakovich A.V.* Nravstvennaya otvetstvennost i ee vospitanie u detey v seme. Minsk. 1979. S. 3
9. *Skripnik AM.* Etika. M.; 2004. S. 241.
10. *Yonas G.* Prinsip otvetstvennosti. Opit etiki dlya texnologicheskoy sivilizatsii. M., 2004. S. 176.
11. Etika. Ensiklopedicheskiy slovar. M, 2001. S. 342.